

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: Плейстоцен даври иқлими, инсон ва атроф мухит
муносабатлари.**

Бажарди: Садриддинов А.

Тошкент - 2014

Плейстоцен даври иқлими, инсон ва атроф муҳит муносабатлари.

Режа:

Кириш

1. Плейстоцен даври иқлими.
2. Плейстоцен даври ер қурраси иқлим шароитлари
3. Инсоният тарихи ва унинг ер юзига тарқалиши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Космик жисм бўлган Ер тахминан бундан 6-6,5 млрд. йил муқаддам ўз-ўзидан вужудга келган, 3,8 млрд йил муқаддам Ерда ҳаёт аломатлари пайдо бўлган. Ер бизга маълум бўлган самовий жисмлардан шуниси билан фарқ қиладики, унда тирик табиат, яъни ҳаёт мавжуддир. Маълумки, Ер юзаси океан ва қитъалар билан қопланган. Ердаги ҳаракатлар қитъаларнинг батамом емирилиб, океан чуқурликларининг эса чўкинди жинслар билан тўлиб саёзланиб қолишига йўл қўймайди.

Ер сиртининг 100-120 км қалинликдаги литосфера қобиғи, Ер мантиясидаги конвекцион оқим туфайли доимо горизонтал ҳолатда силжиб йилига атиги 1-2 см., гоҳ чуқур океан хавзаларини, гоҳ баланд тизма тоғларни юзага келтиради. Натижада, қуриқлик билан сув майдони, шакли, паст – баландлиги, чуқр – саёзлиги доимо ўзгариб туради. Бу эса, ўз навбатида, иқлим ўзгаришига олиб келган.

Атрофдаги экосистема ва инсоннинг унга бўлган муносабати инсоннинг ўзи билан ўзгара борди. Табиат инсон пайдо бўлишидан олдин шаклланган, инсоннинг яшаш муҳити эса унинг ўз фаолияти давомида шаклланди. Тарихан унинг сифат ва тузилиши ўзгаради. Тарих жараёнида моддий ва маънавий дунёси шаклланган. Марказида инсон турган ижтимоий ва маънавий табиат ҳодисалари пайдо бўлади. Инсон яшаш муҳитига ҳар куни ўзгартиришлар киритиб, унинг кўринишини ўзгартиради. Инсон истеъмол маҳсулотлари яратиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзлаштиради ва шу билан бирга у ўрмон, бутазорларни қириб ташларди. Ўрмон ва бутазорлар эса ўз вақтида намлик йиғиб турарди. Қишлоқ хўжалигининг интенсивланиши натижасида тупроқ ҳосилсизланади. Бу антропоген таъсир, лекин табиат бунга фожеавий ҳолатга етгунча бардош беради.

Йирик индустрия тизими ва энергетиканинг яратилиши билан бир вақтда экологик иқлим ва ресурсларнинг камйишига таъсир қилади. Балки

хавф оцида инсон генофонди ҳам туради. Кескин равишда юрак-томир психологик касалликлар кўпаяди ва янги аллергия, рак, нурланиш касаллиги, ОИТС келиб чиқади ва генетик касалликлар кўпади. Бундай кетишда вақт бизга қарши ишламоқда. Шунинг учун ҳозирда жамиятда экологик императивлик табиат қонунлари билан ҳисоблашиш, инсон ва табиат экологиясини мувозанатда сақлаш тўғрисида тушунчалар пайдо бўлмоқда. Бу ижтимоий муҳитнинг келажакдаги ривожланишининг қатъий сабабидир. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти кўплаб муаммоларни камраб олади, экологик, иқтисодий, техник ва дунёқарашга боғлиқ муаммолар. Бунинг барчаси ягона морфологик тизимга интегратсия қилиниши керак. Бусиз дунё аҳолисининг келажакдаги ўсиши ва соғлиғини таъминлаб бўлмайди.

1. Плейстоцен даври иқлими.

Ер шари олимларнинг илмий фаразларига кўра бундан беш миллиард йил аввал пайдо бўлган. Ер тарихи мураккаб табиий жараёнларнинг кечиши билан белгиланади. Ер тарихи олимлар томонидан маълум даврлар ва уларнинг босқичларига бўлинади. Уларнинг охирги босқичи Кайнозой эраси ҳисобланиб, бу даврда сут эмизувчилар ҳукмронлик қилган. Кайназой палеоген, неоген ва антропоген (*антропос*-одам, *генезис*-туғилиш) ёки тўртламчи босқичларига бўлинади. Инсонят тарихининг бошланиши бевосита антропоген даври билан боғлиқ бўлиб, унинг қуйи санаси олимлар орасида мунозараларга сабаб бўлиб келган. Айрим олимлар унинг бошланишини Ғарбий Европадаги виллафранк фауна ётқизиклари билан қиёслаб 3-3,5 миллион йил аввалги давр билан белгилашга ҳаракат қилишса, бошқа бир гуруҳ олимлар палеоантропологик ва моддий топилмаларнинг мутлақ даврига асосланиб, бундан 1,8-2 млн. йил илгари давр билан белгилашга ҳаракат қилишади. Шуни ҳам такидлаш керакки, кейинги ўн йилликларда амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари натижасида топиб ўрганилган палеоантропологик топилмалар антропогонез жараёни ва палеолит даврига оид маданиятлар ва ёдгорликларнинг даври тўғрисидаги илмий хулосаларга сезиларли таъсир қилишига сабаб бўлди. Умуман, антропоген даври санаси ва ибтидоий кишилар эволюцияси билан боғлиқ масалалар келажакда ечимини кутаётган муаммолардан бири саналади.

Палеолит (*юн. палейос-қадимги, литос-тош*)-тош асрининг қадимги босқичи бўлиб, ибтидоий одамлар ҳамда ҳозирги пайтда турлари йўқолиб кетган қазилма ҳайвонлар яшаган давр ҳисобланади. Палеолит кайназой эрасининг сўнгги босқичи бўлган антропоген (тўртламчи) даврининг эоплейстоцен ва плейстоцен босқичларига деярли тўлиқ мос тушади. Палеолит даврининг бошланиши ер юзида содда тош қуроллари ясай олиш ва улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилган инсонятнинг энг қадимги аجدодларининг пайдо бўлган даврдан бошланиб (2 млн. йилдан ортиқ), мил.

ав. XII минг йилликларга қадар давом этади. Палеолит даври ер юзини бир неча плейстоцен даври музликлари (гюнц, миндел, рисс ва вюрм) қоплайди. Музликлар даврининг бошланишига қор ёғиш миғдорининг кўпайиши сабаб бўлган. Музликларнинг маркази Европа, Америка қитъаларининг шимолий ҳудудлари, хусусан, Канада, Буюк Британия, Скандинавия ва Россиянинг шимолий ҳудудларидан ўтган гегагара, ер юзининг 30% қисмини эгаллаб, ҳозирги музликларга нисбатан 3 барабар катта бўлган. Йирик тоғ тизмалари ҳам музлик билан қопланган. Музликлар оралиғи даврида об-ҳаво иссиқ ва намчил ҳисобланган. Музлик олди ҳудудларида об-ҳаво кескин совуқ, яъни тундрани ташкил этган. Жанубий ҳудудларда об-ҳаво иссиқ ёғингарчилик юқори (плиоцен) бўлган.

Геология нафақат ер пўстлоғини балки унинг ўзига хосликлари хусусиятлари ва шаклланишини ўрганади. Ерда ҳаёт асоси Архей даврида, бундан 900 млн йил аввал пайдо бўлган деган қарашлар мавжуд. Лекин притив органик ҳаёт қолдиқлари протозойга (узунлиги 6000млн йил)тегишли. Потеозой даврида бой флора ва фауна ер иқлимининг ўз таъсирини ўтказа бромган. Ер шари камида 3та йирик музлик давридан кечган деб ҳисобланади. Сўнггиси 6000млн йил аввал бўлган. Улар иссиқ давр билан ажратилганлар. Улардан охиргиси 300млн йил аввал тошкўмир даври Мезазойда 200млн йил аввал совушлар кузатилган. Учламчи даврда бундан 70млн йил аввал иссиқлашиш кузатилди. Мезазой ва Кайназой иқлим ўзгаришининг қандайдир даврийлиги кузатилган. 400-65-млн йил аввал ер иқлими жуда иссиқ бўлган, 55млн йилча аввал совуқ тушиши бошланди, қутб музликлари ўса бошлади. 10млн йилча олдин ҳарорат янада пасайди лекин бу даврда ҳам музликлараро давр мавжудлиги геологик исботланган. Бу тоғ ҳудудларидаги музликлар ҳарорати орқали жуда яхши намоён бўлган.Узоқ вақтли музликлар даврида кучли кўпметирли музликлар,тоғлар водийларда тўпланиб,тоғ водийларининг тоғолди қисмига сирпаниб тушган ва у ерда ҳарорат ошиши билан эриган ва музлик ўзи билан олиб тушган тош ва инсонлар кўринишидаги қаттиқ

материаллар келган. Ҳарорат ошиши билан музликлар чекиниб бурган ва фақат тоғ чўққиларида қолган. Улар ўзининг пастки қисмида морена деб аталувчи тоғ жинсларидан иборат ёйсимон йиғималар қолдирганлар. Мореналар якуний ва ён томонли бўлади. Музликлар ўз ҳаракати давомида нафақат ўзлари билан тош ва жисмларни олиб келмай юзага чиққан тошларни текислаб ҳам келганлар. Муз ўзи билан олиб келган катта тош бўлаклари эса параллел из қолдириб музлик ҳаракатининг йўналишини кўрсатганлар. Бунинг барчаси музликлараро даврда намоён бўлган, қачон музликлар чекинганда. Бу текисланган жойлар қўчқор деб аталган?

Биринчи бундай геологик қонуният Алп тоғларида намоён бўлган. У ерда морена ва бошқа кўрсаткичлар асосида 5 музлик даври ажратиб кўрсатилган. Дунош, Гюнс, Миндел, Рисс, Вюрм. Бу алп олди ҳудудларининг топонимлари ҳисобланади. Бу давр 1 млн йил давом этади ва музлик даври дейилади, уни яна тўртламчи давр плейцосен даври ёки антропоген даври дейишади. Чунки бу даврда ибтидоий одамнинг тарихи кечган. Бу даврда иқлим, атмосфера, ҳарорат ва ер шари ландшафти ҳозиргига яқин бўлган, юқорида айтилган музлик давлари музликлараро давлар билан ҳамроҳлик қилган ва ер юзасида ҳарорат ўрта оҳайллиги $\pm 15^{\circ}\text{C}$ ни (плюс-минус $5-10^{\circ}\text{C}$)ни ташкил этган.

Музлик даврида Арктика ва Антарктида музликлари кескин кенгайган ва ўрта кенгликлар яқинлашган, у сўнгги Вюрм музлик даврида Арктика музликлари Марказий Қозоғистон ҳудудларида Остона ва Олмаота орасидаги кенгликларда бўлган. Сирдарё ҳавзасида тундра ландшафти устунлик қилган ва бу ерда мамонт совуқсевар ҳайвон яшаган.

Лекин экваториал, тропик ва супротрик қисмларда илиқ, нам иқлим устунлик қилган. Сахрои кабир чўли ўзидан ўсимлик билан қопланган ва турли хил сут эмизувчилар яшаган саваннани намоён қилган. У ерда ибтидоий инсон ҳаёти учун қулай экономик асосни яратган. Шунга ўхшаш ҳолат Осиё жанубида ҳам бўлган. Лекин Европада шимолий буғу, тундра ландшафти

Франция жанубий ҳудудларигача ётган. Бунга Франциядаги юқори палеолитик турар жойлардаги суяклардаги шимол буғусининг расмлари гувоҳлик беради. Музлик йилларнинг давлари 100-120минг йил бўлган. Музликлараро даврлар қисқароқ 30минг йил бўлган. Сўнгги музликлараро давр 70-190йил давом этган ва у бизнинг иқлимимизга яқин бўлган Антарктида ва Греландия музликларида консерватсияланган ҳаво устунчаларининг таҳлили асосида сўнгги 15минг йил давомидаги атмосфера температурасини билиб олиш мумкин. Шу билан бирга бу даврда ҳароратнинг қисқа даврли ўсиши ва пасайиши. Сўнгги музлик даврида океanning ўртача ҳарорати 2-6С га паст бўлган. Континентда ҳарорат фарқи 20С бўлган, мутахассислар ҳисоб-китоблари бўйича шу даврда шимолий Ўзбекистонда ўртача қишки ҳарорат -19С, ёзги ўртача ҳарорат +4С ни ташкил этган. Океан сатҳи 80-100м пастроқ бўлган. Музлашлар даврида муз ва тупроқ 40млн км²ни ташкил этган. Ҳозирда эса 20млн км² атрофида. Тундра ва алп ҳудудлари 20млн км²га яқин жойни эгаллаганлар, ҳозирги кунда эса 8млн км²ни ташкил этадилар.

Шу тариқа музлик даврининг ҳозирги кунда содир бўлиши инсоннинг ҳаётий қобилияти ва қишлоқ хўжалигига фожиявий таъсир кўрсатади. Ҳароратнинг -5С га совуши кўплаб ҳудудларни ўсимликлар ўсишидан ажратиб қўяди.

2. Плейстоцен даври ер курраси иқлим шароитлари

Инсон маданиятининг асосий хусусияти унинг маънавий ва моддий фаолиятини турли шароитларга мослашунидан иборат. Инсон фаолияти унинг маданий ҳаёти ер юзи иқлими ландшафти фиога ва фаолиятининг ўзгариб бориши жавоби жуда тез мослашади. Сўнги плестацион даври экологияси яхши ўрганилган. Плейстоцен даври ўрта ер денгизи тоғлари ўсиши кенкинлашиши натижасида Евразиянинг буюк кўчиб бўлмас тоғларнинг тизмаси ҳосил бўлди. (Ҳиндикуш, Олтой, Тяньшан, Помир ва бошқалар). Анлантик циклонлар ва тинч океани муссонларида кўчиб бўлмас тўғанок сифатида шамол оби-ҳаёт ҳайдовчи муссонлар ва цеклонларни тўсди. Бундан ташқари тоғ тизмалари ўсиши ўз навбатида Марказий Осиё қурғоқчилигини минг йиллар мобайнида кучайишига олиб келди. Марказий Осиёнинг паст-текисликларида саҳролар ҳосил бўла бошлади. Марказий Осиёнинг кенг майдонларида турли даврларга тегишли палеолет маданияти қолдиқларини кузатиш мумкин. Бундай кузатишларни Монголия, Шимолий Хитойда кузатишимиз мумкин. Музлаш даврларида бепоён майдонларда кезиб юрган ҳайвонлар тўдалари жанубга чекинади. унинг орқасидан инсон ва йиртқич ҳайвонлар чекинади. Бу дегани Марказий Осиёда одам қолмади дегани эмас, тоғ оралиғи зов-сойлар бўйларида сақланган чакалакзор ва тўқайзорларда ҳайвонот дунёси жон сақлаган. Айнан шу давр водийларидан мессия юқори палеолет даврларига тегишли манзилгоҳлар топилган. Кавказда ҳам шунга ўхшаш жараёнлар юз берган. Археолог Лебен кузатувларига кўра ибтидоий одамлар вюрм музлиги даврида тоғлардан пастга тушиб тоғ олди ўнгир ва ғорларда жон сақлашган. Музлик даври тугагандан сўнг тоғлик минтақаларни ўзлаштиргандан сўнг икки минг метр баландликдаги ерларни ўзлаштирган. Яна бир хусусият музлаш тоғ тош орасидаги сувлар яхлаб ғорлар унгирлар, қурийди. Ибтидоий одамлар жон сақлашга жой ҳосил бўлади. Иссиқ натижасида тоғ усти ер ости сувлари натижасида ғорлар нам захлар чашмага айлана бошлайди. Ҳосил бўлган маъданий қатламларни ювади. Яъни сўнги

плейстоцен даврида табиатни ўзгариб, яшаш жойни танлаб турли шароитларда иқлим ўзгаришига мослашиб борган. Шарқий Европа кенг текисликларида вюрм музлаш даврида мустаҳкам ярим ертўла шаклидаги иморат солиш одати тарқалади. Совуқ иқлим шароитида даштларнинг сув ўт-алаф ўтлоқларда йирик туёқлилар кўпайиб боради. Адбизон буғи уни овлаш мақсадида найса отиб овлаш овлаш технологияси ривожланган. Мезолит даврида найза ўқлари суякдан, шохдан ясаиб микролит тошлари натижасида ўткирлашади. Бундан ташқари мезолит даврида йирик балиқ овлашга мослашган гарпунлар тарқала бошлайди, лекин энг қадимги қурилиш иншоотлари, Ҳомо ҳабилис суяклари Олдувай жарлигидан топилган. Бу инсониятни “мерелики” шамол тўсиш учун мослашган девори сифатида талқин этилади. Бу каби иншоотларни Африкадаги қабилалар 19 асрда ҳам яшаб юрганлиги аниқланган. Бу каби тош даврига тегишли Италияда Изернийлопенети ғорида, Франциянинг манзилларида ҳам топилган. Умуман палеолит даврларида ичига олов ёнган ўчоқлари топилиб туради. Юқори палеолит даврига келиб ҳақиқий қора уй шаклидаги устига тери тортилган иссиқ уйлар қурила бошлайди. Бундан тош юқори палеолит даридан энг қадимги лойдан ясаиб гулханда пиширилиб қурилган ҳайвонлар суяклари топилган. Голотцен даврига келиб иқлим ландшафт атроф муҳит ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шакллانган сўнгги иқлим ўзгариб туради. Лекин муҳим шу даврда Яқин Шарқда неолитик маданиятлар негизига деҳқончилик ва чорвачилик технологияси кашф этилиб ишлаб чиқариш технологияси шаклланади. Бу буюк кашфиёт келажакда 6-4 минг йилликларда илк цивилизацияларнинг шаклланишига олиб келади. Мезоамерика сўнгги тадқиқотларига кўра у ердан вулқоннинг кули остида қолиб кетган пирамида топилган. Кулнинг физикавий анализига кўра вулқон отилиши эрамиздан аввалги мезоамерика пирамидалари бу цивилизация санаси шумер шакллانганлигидан далолат беради, яъни палеолит даврида ер юзининг турли-туман минтақаларида экологик шароитни ўзгариб боришига қараб одамлар турли-туман эҳора тадбирларини кўра бошлайдилар ва

деҳқончилик ва чорвачиликни турли шакл, турли усул ва ҳайвонот дунёсини ўзлаштириб инсоният базасини, яъни ибтидоий деҳқончилик базасини ўзлаштира бошлайдилар. Бу ҳаракатлар ҳарорат ва об-ҳавони ўзгариши билан кадамма-кадам сенхрон тарзда ўсиб боради. Бу ютуқлар инсон маданияти ва табиатга адаптация мослашуви десак бўлади.

Мезоамерика ҳудудларида ўсимликларни хонакилаштириш эрамиздан аввалги 8 минггинчи йилда бошланган. Ишлаб чиқариш уч минггинчи йилда шаклланиб боради. Евразия 1-2 минг йил илгари кўчиб боради ва Евразияда дуккакли ва бошоқли экинларни молекуляр тадқиқотига кўра ноҳот, эммер, чичивитце бир ерда хонакилаштирилиб, бутун дунёга тарқалган. Арпа ер юзининг бар нечта жойида хонакилаштирилгани аниқланган. Эчки билан кўй Яқин Шарқнинг биринчи хонакилаштрилган маҳсули ҳисобланади. От билан туя Марказий Осиё биёбонларида сунги енеолит даврида қўлга ўргатилган. Ер кўррасини аслий ўзлаштириш натижасида хонаки ўсимликлар бутун дунёга тарқаб бориши натижасида овчилар ва термачилар майдонлари қисқариб боради, тадқиқотларга кўра бу ерла йирик миграция руй бермаган, лекин бу ҳудудларда ҳа ишлаб чиқариш технологияси тарқалиб боради. Жанубий Осиёда шиликорлик эрамиздан аввалги 6 минг йилдан бошлаб, тарқала бошланганлиги кузатилади. Шундан бошлаб Мелонезияда тоғлиқ минтақаларда кетмон воситасидан фойдаланганлар, Ўрта Осиё тадқиқотларига кўра Жойтун маданияти негизлари Жануби- Шарқий Эронда милл. Авв. 6 минг йил илгари шаклланган тадқиқотларга кўра жохори ва тарик Жанубий Осиёга Африкадан тарқалган, энеолит давридан бошлаб хонаки арпа ва буғдой Мергада экила бошлаган Жанубий Покистон ва Афғонистон оралиғлари Ҳараппа маданияти вакиллари милл. Авв. 4-3 минг йиллик даври буғдой, пахта ўсимликлари экканликлари аниқланган.

Ҳозирги кунда антропогенез ёки плейцатсен даври 2млн йилни ташкил этади. Бу давр ичида рельеф ва ер шари континенти ҳозирги кўринишга келди. Бунда ҳал қилувчи ролни тектоник жараёнлар ўйнади. Кўпчилик

мутахассислар антропогенез културогенез жароёнлари тектоник ёриқлар ва вулқон тизмалари билан тор доирада боғлиқ деб ҳисоблашади. Дарё ўзанлари йўналиши шаклланишини тектоника ҳал қилган. Континентлар тоғ тизимининг кўтарилиши натижасида атмосфера ёғинлари тектоник кўтарилишининг ҳар томонга оқиб ўз ўзанларини ташкил қиладилар ва континентал текисликларнинг паст жойларига бориб кўллар ва ботқоқларни ташкил қилишган ёки очик океанга қуйилишган. Шу билан бирга дарёлар ўзининг юқори қисмида вайрон қилувчи роль ўйнайди. Улар ўз йўлида тоғ тизмалари ва тоғолди ҳудудларидаги материалларни ювиб, олиб кетишган. Ўзларининг пастки ҳавзаларида дарёлар билан оқиб келган материалларни ҳавза тубига йиғадилар. Ҳавза тубида материаллар ва тоғ жинслари тўпланиши натижасида ҳавза сатҳи атрофдаги текислик сатҳидан кўтарилиб янги ўзан ҳосил қилиб янги ҳавзага қуйилади, ва бу жараён доимо содир бўлиб туради. Шу билан бирга оқимлар бурилишида фақат бир соҳилни ювадилар ва кўчиб юрувчи жисмларни иккинчи соҳилда қолдиришади. Бунинг оқибатида дарё ўзани секин ўзгариб, илон ҳаракати изидек кўринишга келади. Дарё тубига чўкувчи материал алювич деб номланади. Дарёлар ўз ўзанини тоғ ёриқлари бўйлаб шакллантирадилар, тоғ ёриқларида эса гравий, тупроқ ва лой мавжуд бўлади. Шу билан бирга дарё ўзанлари юқориси ҳам қуюси ҳам рельефининг пасайган жойларида жойлашган. Бунинг натижасида дарё четки оқимлари ҳам тупроқ, тош ва лойни кўчириб ўзан томонга оқизади. Бу материал қиялик паски қисмининг дарё соҳиллари бўйлаб чўкадилар, кўпинча улар дарё ўзани бўйлаб оқиб кетадилар. Бу чўкмалар пролювиал дейилади.

Дарёдаги чўкмаларнинг бошқа турлари ҳам фарқланади. Дарё чўкмалари ўз турлари бўйича дарё оқимининг тезлигига қараб фарқланадилар. Тоғликларда дарё ўзанлари тушишининг катта бурчаги эвазига катта тоғ жинслари, харсанглар ва катта тупроқни олиб тушган. Тоғолди ҳудудларига келиб дарё ўзи билан кичик тупроқ ва гравийни олиб кетади дарё текислик бўйлаб оқиши даврида асосан тупроқ ва лойдан иборат чўкма ҳосил қилади,

ва ниҳоят энг қуйи делта зонасида дарё лойқа материал ва тузлар эритмаларидан иборат энг юпқа чўкма ҳосил қилади. Ўрта Осиёда сўнги бир миллион йил давомида тўртта терассалик босқич шаклланган бу тўртламчи даврларда бу ҳудудда сейсмик фаоллик ривожланганлигини кўрсатади. Лекин шу билан бирга ер шарининг сейсмик фаоллиги космик факторлар таъсирига боғлиқ. Шунинг учун ҳам сейсмик фаоллик даврлар иқлим ўзгарилиши даврларига боғлиқ деб ҳисоблашади.

Ашел даврининг 2 ярмида бошлаб синантропларга яқин инсонлар совуқ мамлакатларни эгаллай бошлайдилар. Инсон 300 минг йил аввал оловдан фойдаланишни 100 минг йил аввал эса оловни яратишни ўрганган деб ҳисобланилади.

Инсон шаклланишида асосий рольни атроф биохимияси ўйнаган. Инсон турли ландшафтлар ва экологик шароитларга мосланувчан деб ҳисоблансада, В.Ковалский ва унинг ўқувчилари ишларида, у ёки бу микроэлементнинг ошиб кетиши ёки камайиб кетиши ирсий касалликлар ва мутатсияга олиб келиши аниқланган. Ява оролидан топилган питекантроп суяклари бўйича у суяк туберкулёзи билан касалланганлиги аниқланган. Касаллик эса ўсимлик озукаси таркибида фтор ошиб кетиши билан чақирилган. Кўплаб тоғ районларининг аҳолиси ҳозирда кам ёд етишмовчилигидан азият чекмоқда.

Бахитсефалия гранитларнинг юзага чиқиши билан боғлиқлиги бир неча марта таъкидланган. Скелет минерализатсияси ошиши, мушак системасининг етишмовчилигига компенсатсия сифатида қаралади. Чўзиқ ингичка бош суяги инсолятсия ва мослашув натижасидир. Баланд тоғ шароитида ҳажмларнинг катталашуви оёқ ва кўкрак қафасининг узунлиги ошиши кузатилади. Кўчиб келганларда физиологик жараёнлар туб оҳоли нормаларига яқинлашади.

3. Инсоният тарихи ва унинг ер юзига тарқалиши

Инсоният тараккиётининг биринчи даври ибтидоий жамоа даври бўлиб, жуда узок давом этган. Бу даврда инсон кифоаси, фаолияти ўзгариб, меҳнат куроллари ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар даврлар ўтиши натижасида такомиллашиб бorgan. Ибтидоий давр тарихи ҳам ўз навбатида бир неча боскичларга бўлинади. Археологлар томонидан меҳнат куролларининг ривожланишига караб ўзига хос бир даврлаштириш килинганки, уларга тош, бронза ва темир даврини киритиш мумкин.

Хар бир даврнинг давом этиши турлича бўлган. Масалан, тош даври бронза даврига нисбатан жуда узок давом этган. 800 минг - 1 млн. йил давом этган. Тош даврида узлуксиз равишда инсон фаолияти натижасида тош куроллари ва уларни ясалиш услуби такомиллашиб борган. Тош даври ҳам ўз навбатида бир неча даврга бўлинади: палеолит (кадимги тош даври), мезолит (ўрта тош даври), неолит (янги тош даври). Тош ва бронза даври ўртасида ўтиш даври бўлган-ки, мисдан килинган меҳнат куроллари билан бирга тош куролларидан ҳам фойдаланилган. Бу даврни энеолит даври (мис-тош даври) деб аталган. Бронза олиш усули кашф килинган, яъни мис ва калай коришмасидан меҳнат куроллари кенг тарқалиши натижасида бронза даври бошланган. Айрим жойларда бу мил. авв. III минг йилликларда, шимолий, ўрмонли худудларда бироз кечроқ - мил. авв. II минг йилликдан бошланган. Нихоят, кўплаб микдорда темир казиб олиниши ва кенг тарқалиши натижасида мил. авв. XIII-IX асрларда инсоният тарихида темир даври бошланган. Шу тарика археологик даврлаштириш асосан меҳнат куроллари ривожланиши ва уларни ясалиш технологиясига караб амалга оширилади. Бунда асосий эътибор тарихий тараккиёт хусусиятига қаратилади. Шунга карамай бу инсоният тараккиёти қандай бўлганлиги ҳақида тўлиқ маълумот бермайди.

Илк палеолит даврида инсоният тарихида табиат катта ахамиятга эга бўлган. Инсон ва уни ўраб турган табиат ўртасидаги доимий муносабатлар узлуксиз жараён шаклини олган.

Илк палеолитда биологик жihatдан - табиий сараланиш ва жинсий танланиш, меҳнат жараёнида архантроплар (дастлабки одамлар) ўтмишдошларидан жуда узоклашиб кетадилар. Меҳнат куролларини яшаш, кўлнинг меҳнат фаолияти учун бўшаши, уни алоҳида вазифалар бажариши, гўштли овқатнинг истеъмол қилиниши ва бошқа ижтимоий ва табиий омиллар туфайли одамзод ривожланиб борган.

Илк палеолитнинг дастлабки даврида Жанубий ва Ўрта Европада иклим субтропик, Жанубий Осиё ва Африкада эса тропик бўлиб, иссиқсевар ҳайвонлар кенг тарқалган. Масалан, Европада филлар, бегемотлар, примитив (Стенон отлар) отлар; Осиёда эса ибтидоий хўкизлар, каркидонлар, зебра пайдо бўлган. Ўсимликлар эса ҳамиша яшил рангда бўлган. Жанубий ва Марказий Европа ҳудудларида шамшод, дафна, анжир; Европанинг бошқа ҳудудларида эса калин, кенг баргли дарахтлардан ташкил топган ўрмонлар тарқалган. Осиё ва Африка ҳудудларида ҳам иссиқсевар ўсимликлар кенг тарқалган.

Илк палеолитда дастлабки одамлар Шимолий Африка, Европа ва Осиё ҳудудларида яшаган. Милoddан аввалги 600-400 минг йилликларга келиб, улар Марказий Осиё, Кавказorti ҳудудларига ҳам ўрнашади.

Сўнгги ашелда табиат кескин ўзгара бошлайди. Ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, иклимнинг ўзгариши ибтидоий одам хўжалигига ҳам таъсир этади. Иклимнинг ўзгариши ер юзини улкан музликлар коплаши билан характерланади. Музлик - одамнинг пайдо бўлиши даври бўлган кайнозой эрасининг тўртламчи босқичида силжий бошлайди. Музлик изларини олимлар мўтадил иклим минтакаларида ўрганганлар. Тропик зоналарда музликнинг силжиши плювиа даврини (плювиа-ёмғир) шакллантирган. Масалан, бу даврда Сахрои Кабирдан дарёлар оккан.

Ашел даврида Шимолий Америка худудлари деярли музлик билан копланган. Жанубий Америкада музлик анча ичкарига кириб борган. Европанинг катта ва Осиёнинг бир кисмини музлик эгаллаган. Музликнинг маркази Гренландия бўлган. Музлик палеолит даврида бир неча миллион кв.км. ни ташкил этган. Унинг баландлиги 1-2 км дан ортик бўлган.

Олимлар тўрт маротаба муз силжиб келган деган фикрни илгари суради. Музликнинг силжишини гинц, миндел, рисс ва вюрм деб боскичларга бўлганлар. Бу терминлар Алп тоғидаги кишлоклар номидан келиб чиккан. Бу кишлокларда музликлар ва музлик ёткизликлари биринкетин катламланган бўлиб, унинг излари XX асрнинг ўрталаригача сакланиб колган. Гинц ва миндел музлиги Ўрта Европа худудларига етиб келган. Рисс эса янада кенгрок худудларни коплаган. Сўнгги ашел даври эса хронологик жихатдан рисс музлигидан олдинги боскич бўлган. Музликнинг силжиб келиши натижасида совукка чидамсиз хайвонлар кирилиб кетади. Уларнинг кўп кисми жанубий худудларга караб силжиди. Музлик билан курашиш воситалари кам бўлганлиги учун кўплаб ибтидоий одамлар совукка бардош бера олмаган.

Шелл ва ашел маконлари очик турдаги маконлар бўлиб, улар чакмоктош хом ашёлари мавжуд бўлган очик жойларда, тепаликларда жойлашган. Ибтидоий одамлар ўз эҳтиёжини кондиритиш максидида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган. Улар табиатдаги тайёр махсулотларни ўзлаштириб, хаёт кечирган. Овчилик ҳам улар хаётида асосий ўринда бўлган. Одамларнинг энг кадимги машғулоти - теримчилик ва ов-ўзлаштирувчи хўжалик деб номланади.

Шелл даврида яшаган одамлар аста-секин ер юзининг кўплаб худудларига ўрнаша бошлаган. Ашел даврида улар шимолий худудларга караб силжиган. Ашел давридан одамлар сунъий маконларда яшашга харакат килади. Дастлабки сунъий маконлар - ғорлар эди. Кадимги одамларнинг ғорларга жойлашиши ва ўрнашиши билан одамлар кўчманчи хаётдан ўтрок

кун кечиришга ўта бошлади. Ибтидоий тўда ичида аёллар ва эркаклар ўртасидаги меҳнат таксимланади. Яъни эркаклар озука топиш зарурати туфайли кўпроқ овга интилган бўлса, аёллар ғорни кўриклаш, бу даврда ўзлаштирилган оловни ўчирмасдан саклашга ҳаракат қилишган.

Бу давр озуқалари - ейиш мумкин бўлган ўсимлик томирлари, ўсимлик мевалари, хайвон гўшлари эди. Янги кўникмаларнинг пайдо бўлиши ва ўзлаштирилиши ижтимоий муносабатларни ривожлантиради. Илғор жараёнларнинг ривожланишига оловдан фойдаланиш кучли туртки беради. Табиат билан курашиш воситаларини топилиши бундан кейинги кишилиқ маданияти тараккиётининг бевосита натижаси бўлади. Чунки одамзодни ҳалокатдан саклаб қолган восита меҳнат кўникмаси эди. Сўнгги ашелда одамзод оловдан табиий ҳолда фойдаланган. Чунки ўт-олов совукдан, йирткич хайвонлардан сакланиш учун зарур эди.

Бу даврда ибтидоий одамлар турар жойларга ҳам зарурат сеза бошлади. Чунки иқлим совук, ҳаво нам бўлиб, одамлар ғорларни эгаллашга киришади. Аста-секин хайвон териларига эҳтиёж туғилади. Бу даврда хўжалиқ ҳаёти юритилишида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлади. Ўзлаштирувчи хўжалиқни асосий шакли бўлган теримчилик ўзининг ҳал қилувчи аҳамиятини йўқота бошлади. Сабаби, совук иқлимда табиатда учрайдиган дарахт мевалари, ўсимлик томирлари камёб бўлиб қолади. Натижада хайвонларни овлашнинг аҳамияти ортади. Аста-секин овлаш усуллари ишлаб чиқилади.

Овчиликда ёғоч найзалар, чакмоқтош қуроллар ишлатила бошланади. Янги шароит ва яшаш зарурати эҳтиёжни қондириш йўллари излаш (қуролларни мукаммаллаштириш, теридан қийим тикиш), қуроллар эволюциясида янгиликларни пайдо бўлишига олиб келади.

Палеолитнинг илк босқичи излари археологлар томонидан ер юзининг кўплаб ҳудудларидан топиб ўрганилган. Бу даврда яшаган питекантроп (маймун одам), синантроп (Хитой одами), гейделберг (Германия одами) типидagi одамлар тузилиши жихатидан одам билан (одамсимон) маймун

ўртасидаги ҳолатда бўлганлар. Улар юқорида айтилгандек, тўда бўлиб, яшаган, сўзлашишни билмаган, тошга ишлов беришнинг шелл ва ашел техникаларидан фойдаланган. Энг кадимги одамлардан питекантроп излари Ява оролида, Синантроп излари Хитойда топилган. Шелл ва ашел маданияти колдиклари Олд Осиё, Кавказorti, Кора Денгиз, Осиё ва Африка ҳудудларида ҳам сақланиб қолган.

Маълумки, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида энг кадимги одамлар илк палеолит даврида тахминан мил. авв. 700-500 минг йиллар олдин пайдо бўлган. Ўзбекистон ҳудудида яшаган одамлар Жануби-шарқий ва Шарқий Осиёнинг энг кадимги одамлари бўлган «Синантроп» - «Хитой одамлари» га яқин бўлган.

Мусте даврига оид ёдгорликларда олб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мусте неандерталлари ғорларда ҳам, улкан мамонт суякларидан қилинган турар жой-чайлаларда ҳам яшаганлар. Мазкур даврда одамлар оловни сақлабгина қолмай, балки ёғочни бир-бирига ишкалаш йўли билан ёки чакмоқтошни бир-бирига уриш натижасида олов ҳосил қилишган.

Ўрта палеолит даври одамларининг асосий машғулоти мамонт, бисон, буғу, тоғ эчкиси, архар ва бошқа ҳайвонларни овлаб қун кўриш бўлиб, овчилик улар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Овчилар чакмоқтош, ўк қадалган найзалар, гавронлар билан қуролланган эдилар. Лекин термачилик ҳам улар ҳўжалик ҳаётининг асосини ташкил этган.

Мусте даври кишилари неандерталлар ҳисобланиб, ҳали уларнинг ташки қиёфасида маймунга ҳос белгилар бирмунча сақланиб қолган эди. Уларда ҳозирги қиёфадаги кишиларга ўтиш жараёни бораётган, ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўса бориб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган. Мазкур даврда ибтидоий тўдадан уруғчилик тузумига ўтила бошланган. Шунингдек, бу даврда мурдаларни сунъий тарзда қовланган қабрга қўмиш биринчи бор

кўлланилганки, бу анча мураккаб ғоявий тушунчалар пайдо бўлганлигидан далолатдир.

Олимларнинг илмий фаразларига кўра, биз яшаб турган Ер сайёраси 5 милрд. йил мукаддам пайдо бўлиб, дастлаб унда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ер тарихи геологик жихатдан архей, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига бўлинади. Архей эрасининг охирида Ерда жуда оддий тирик мавжудотлар, палеозойда сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юрувчилар пайдо бўлади. Ер тарихининг кайнозой эрасида эса сут эмизувчи ҳайвонлар таркалади. Бу эра, ўз навбатида, учламчи ва тўртламчи боскичларга бўлиниб, учламчи боскич 50-60 млн., тўртламчи боскич 3-3,5 млн. йилни ўз ичига олади. Тўртламчи боскич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Периней яриноролидан Хитойгача бўлган ҳудудлар субтропик, Осиёнинг жануби ва Африканинг катта қисмида эса тропик минтақалар эди. Учламчи боскичнинг охири ва тўртламчи боскичнинг бошларида мазкур ўлкаларда маймунларнинг хилма-хил турлари яшаган.

Биз фан томонидан исботланган, одамнинг ҳайвонот дунёсидан узок вақт давом этган ривожланиш жараёни оқибатида ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фикрга ёндашамиз. Одамнинг олий типдаги маймунсимон аجدодлар билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя Ч.Дарвинга тааллуқли бўлиб, у эволюцион жараён натижасида одам ҳудди шу одамсимон маймундан келиб чиққанлигини таъкидлайди. Яъни, маймуннинг одамга айланишида асосий омиллардан бири табиий сараланиш ва жинсий танланишдир, деган назарияни илгари суради. Жамиятшунос олимлар маймуннинг одамга айланиши жараёнида асосий омиллардан яна бири - меҳнат эканлигини кўрсатиб ўтади.

Биз юқорида, ер тарихи кайнозой эрасининг тўртламчи боскичида одамзод пайдо бўла бошлаганлигини айтган эдик. Учламчи боскич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Пиреней ярим

оролидан Хитойгача бўлган майдонлар субтропик минтакалар эди. Мазкур ўлкаларда тўртламчи боскич бошларида хайвонларнинг, шунингдек, маймунларнинг хилма хил турлари яшаган. Улар орасида одамсимон маймунлар ҳам бўлиб, улар одамнинг энг кадимги аجدодлари ҳисобланган. Улар дриопитек, рамапитек, австролопитеклар бўлиб, шулардан австролопитеклар одамга кўпроқ ўхшашлиги билан ажралиб турган. Дриопитеклар ҳозирги кунимиздан 15-12 млн йиллар илгари яшаган. Дриопитек - «дарахтда юрувчи одам» деб номланади. 1856 йилда франтсуз археологи Ларте Австриянинг Юкори Горанна деган жойидан ер тарихининг миотсен ётқизикларидан (бундан 5-12 млн. йил бурун) энг олий типдаги одамсимон «маймун» дриопитекларга тегишли бўлган 3 та тиш колдикларини топган. Дриопитек одамсимон маймунлар турига киради. Олимлар унинг мия суягини ҳажмини ўлганда 600 см куб бўлганлигини кайд этади.

Ҳозирги кунда дунёнинг ҳар хил жойларидан дриопитекларнинг 10 дан ортиқ турлари топиб ўрганилган. Ч.Дарвин Австрия топилмасини ўрганиб унинг тишларида одамзод тишларига хос белгилар борлигини исботлади. Ч.Дарвин дриопитекда одамзоднинг аجدодини кўра билди. Дарвин яратган таълимотга кўра барча дриопитеклар одамзоднинг аجدоди бўла олмайди. Ундан колган из сўнгги (Юкори Гераннадаги) си авлод изи бўлган. Рамапитеклар ҳам одамсимон маймунлар турига мансуб бўлиб, унинг колдиклари Африка, Хиндистон ҳудудларидан топилган. Рамапитеклар 12-7 млн. йиллар илгари яшаган.

Австролопитеклар кейинги тур бўлиб, улар одамга кўпроқ ўхшаган ва ҳозирги кунимиздан 3 млн. йиллар илгари яшаган. Уларнинг мия суягининг ҳажми 600-700 см³ бўлиб, австролопитеклар икки оёқда тик турган, ўсимлик ва гўшти оват сифатида истеъмол қилган. 1924 йилда Жанубий Африка ҳудудларидан одамзоднинг илк аждоди бўлган австролопитекнинг суяклари топилган. Олимлар унга «Жанубий одам» деб ном беришган.

Ер қаърининг плютсен (бундан 3-4 млн. йил олдин) ёткизикларидан олимларнинг хулосасига кўра, дриопитек энг олий типдаги одамсимон «маймун» бўлса, австролопитек эса «маймунсимон» одам вакили бўлган. Австролопитек одамзоднинг хайвонлар олаmidан одамлар дунёсига ўтишда кўйилган биринчи қадами эди.

1960 йилда археолог Луис Лики Шаркий Африканинг Олдувай дарасидан одамзоднинг кадимги аجدодлари суяк колдикларини топдилар. Олдувайда одам, хайвон суяклари билан бир каторда тош куроллар ҳам топилди. Олимлар бу эрдан топилган мавжудотни зинжантроп деб атади ва унинг яшаган даврини австролопитек ва питекантроп оралиғи деб белгилади. Зинжантроп деб аталишига сабаб, унинг Танзаниянинг Зинжи номли кишлоғи атрофидан топилиши эди. Зинжантропларга «Хомо Хабилис» - «ишбилармон одами» деб ном берилади. Чунки у энг содда меҳнат куролларини ясай олар эди. Зинжантроп колдиклари Кения ва Эфиопия худудларидан ҳам топиб ўрганилган. Зинжантроплар суяги топилган жойлардан хайвон суяклари ва тош куроллар ҳам топилади. Африкадан «ишбилармон одамлар» топилган геологик катламнинг санаси 3-2 млн. йиллар билан белгиланмокда. Бу эса одамзоднинг меҳнат кила бошлаган илк аждоди питекантропга кадар зинжантроплар бўлган, деган хулосага олиб келади. Африкадан топилган ишбилармон одамлар архантроплар деб номланган. Юнонча «Архаёс» - кадимги, «антропос» - одам деган маъноларни билдиради. Демак, архантроплар тошдан курол яшаш қобилиятига эга бўлган одамзоднинг дастлабки аجدодларидир.

Одамнинг келиб чиқиши ва ривожланиши масаласи билан антропология фани шуғулланади. Антропология уч асосий бўлимга бўлиб ўрганилади: 1) морфология; 2) антропогения ёки антропогенез; 3) иркшунослик ёки этник антропология. Морфология одамнинг жисмоний тузилишидаги белгиларнинг ёш, жинс, касб ва ташки шароитга қараб

ўзгаришини ўрганади; антропогения (антропогенез) одам жисмоний киёфасининг шаклланиши, меҳнат фаолияти, тили, шунингдек жамиятнинг дастлабки ривожланиши жараёнини ўрганади; ирқшунослик ирқларнинг синфий таснифи, ирқларнинг географик жихатдан тарқалганлиги, ирқларнинг шаклланиш тарихи билан шуғулланади.

Палеоантропология кадимги одам колдикларини ўрганиб, муайян даврдаги одам-ларнинг физиологик типлари хақида тасаввур ҳосил қилишда, мазкур физиологик типларнинг ўргаришида турли ижтимоий ва табиий шароитларнинг таъсири масалаларига ойдинлик киритади. Умуман олганда, бугунги кунда олимлар одамнинг пайдо бўлишини илк палеолит давридан бошлаб, сўнгги палеолитга келиб одамнинг антропологик ва тарихий ривожланиши нисбатига етиб, замонавий киёфадаги одамнинг (Хомо Сапиенс) қарор топиши билан тугаган. Одамнинг пайдо бўлиши тарихига қизиқиш қадимдан, антик даврдан бошланганлигини қўриш мумкин. Аристотел мазкур масалани ечишга ҳаракат қилган олимлардан биридир. Айнан “антропология” атамасини ҳам Аристотел илк марта одамнинг келиб чиқишини ўрганувчи фанга нисбатан ишлатган.

XVIII асрдан бошлаб одамнинг келиб чиқиши масалаларга қизиқиш орта борган. Франсуз табиатшунос олими Жорж Луи Леклерк Бюффон (1707-1788) инсон билан ҳайвонот олами ўртасида қандайдир ўтиб бўлмас тўсик борлигини тахмин қилган. 1735 йилда швед табиатшунос олими Карл Линней (1707-1778) ўсимлик ва ҳайвонот оламини системасини тузган ва инсонни “Биринчи қатор” га қўйган. 1758 йилда у ўз системасига ўзгартириш қилиб, унга приматлар гуруҳини - Ордо приматес (яъни биринчи ёки бошланғич маъносида) қиритиб, уларни тўрт қисмга бўлади: 1) Хомо - одам; 2) Симия - маймун; 3) Лемур - лемур (приматлар гуруҳига қиривчи чала маймунлар оиласи); 4) Веспуртилио - қўршапалак. Хомо гуруҳини у яна икки гуруҳга бўлади: 1) сапиенс - “қундузги одам” ўзининг “жойига нисбатан” маданияти билан ажралиб турган. 2) Троглодитес (троглодит) - “кечки одам”, “ўрмон

одами”, “Орангутанг”. Шу тарика илк марта хайвонот оламида одам ўзига хос ўринга эга бўлиб, “Хомо сапиенс” (акл-идрокли одам) атамаси пайдо бўлиб, бугунги кунда ҳам фанда илмий термин сифатида ишлатиб келинмоқда.

Карл Линнейданда аник исботни франтсуз олими Жан Батист Ламарк (1744-1829) берган. Унинг фикрига кўра, ўта ривожланган маймуннинг бир тури ўша даврда кандайдир табиий таъсир остида дарахтда яшаш қобилиятини йўқотиб, икки оёқда тик юра бошлаган. Улар ўзлари учун емиш излаб танлаган холда озикланишган. Бирок унинг бу фикри ўша даврда ўз тасдиғини топмайди.

Эволюцион назариянинг тан олиниши Чарлз Дарвин (1809-1882) номи билан боғлиқдир. 1859 йилда Дарвин ўзининг “Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши” асарида антропогенез жараёни хақида фикр юритади. 1871 йилда “Одамнинг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш” асарида эса янада аник далиллар билан вақт, даврлар ўтиши билан босқичма-босқич одам бугунги кўринишга келганлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, Африка илк одамзод пайдо бўлган ҳудуд ҳисобланади.

1963 йилда Тошкент вилояти Охангорон туманида Мингбулоқдан ҳозирги кунимиздан 400-500 минг йиллар муқаддам яшаган синантроп турига оид қазилма одам қолдиқлари топилган. Шундай қилиб, антропологик топилмаларни излаш ва уларни ўрганиш бугунги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. 2000-2004 йиллар давомида Қашқадарё воҳаси Қитоб тумани тоғли ҳудудларида олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида (ўзбек-америка кўшма экспедицияси) Оёқчисой водийсида Ангиллак ғори тадқиқ этилиб неандертал типига мансуб одамнинг оёқ суяги топилди. Бу вилоятимиз тарихидаги энг диққатга сазовор топилма бўлди.

Демак, 1. Одамзод табиатнинг ажралмас бир бўлаги сифатида Ер тарихининг маълум бир босқичида хайвонот олаmidан ажралиб чиқди. У жонивор фанда энг олий типдаги «одамсимон маймун» деб аталмоқда.

2. Аждодларимизнинг хайвонот олаmidан одамзод дунёсига кўйган биринчи қадами австралипитеклар даврида содир бўлди.

3. Одамзоднинг илк аждодлари зинжантроп ва питекантроплар тошни тошга уриб меҳнат қила бошлайдилар. Меҳнат одамзодни хайвонот олаmidан ажратди.

4. Одамзод ўзининг аждоди - синантроплар даврида оловни қашф этди ва шу туфайли аждодларимиз гўштни оловда қала пиширган қолда истеъмол қила бошладилар. Пиширилган гўштни истеъмол қилиш натижасида уларнинг фикрлашида ўзгариш юз берди ва одамнинг биологик, жисмоний тузилишида ҳозирги замон одами томон ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади.

Крамонон одами замонасига қелиб илк аждодларимизнинг биологик, жисмоний тузилиши ҳозирги замон одамидан фарқ қилмайдиган ҳолатга қирди. Крамоньонлар даври уруғчилик жамоасининг бошланиши биринчи жамоачилик қуртагининг туғилишидир. Бу ўзгаришларнинг барчасига инсон ўз меҳнати туфайли эришди.

Юқорида қўрдикки, табиий танланиш ва жинсий сараланиш, шунингдек биринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфадаги одамлар ҳозирги қиёфадаги қишиларга айлана бордилар. Улар ҳам аклий, ҳам жисмоний жихатдан қамол топиб, узок вақт давом этган ривожланиш жараёнида ҳозирги қиёфадаги қишиларни шакллантирди ва шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига этди. Ҳудди шу даврда эвропоид, негроид ва мўғул деб номланган дастлабки ирқлар вужудга қелди. Инсоният ўзининг ҳозирги қиёфасига етиб қелгунча 2-3 миллион йиллик қатта тарихий даврни босиб ўтди. Бу қишилар қанда «хомо сапинес» - «акл-идроқли одамлар», деб аталади.

Палеолит - одамнинг шаклланиш даври ҳисобланади. Бу даврда одамлар ибтидоий қала давридан уруғчилик тузумига ўтишган. Одамлар ўзлари учун тош, суяк ва ёғочдан ов ҳамда меҳнат қуроллари қасай

бошлашган. Бир тошга ишлов бериш учун одам иккинчи тошни, суяк ёки ёғочни ишга солган. Тош куролларига ишлов бериш технологиясига караб уларни куйидаги боскичларга бўлиш мумкин:

Олдувай боскичи (бундан 3 млн. - 700 минг йил мукаддам). Куролларнинг содда ва оддийлигига кўра уларнинг жисмоний кийёфаси ва тафаккури хали етарли даражада ривожланмаганлиги билан характерланади. Бу давр учун уч хил кўринишдаги куроллар хос. Биринчиси кўпқиррали тош курол бўлиб, асосан ўсимликларни таналарини киришда ва хайвонларни терисини шилишда ишлатилган. Иккинчиси тош учриндилар бўлиб, улар тошни тошга уриш натижасида хосил килинган. Бу археологияда ретуш техникаси деб номланади. Учинчиси чопперлар бўлиб, асосан чопки сифатида ишлатилган. Шу билан бирга чоппенглар ҳам бўлиб, уларга икки тарафлама уриб ишлов берилиб, ушлашга жуда кулай килиб ишланган.

Бу даврда яшаган кадимги одамлар табиатдан ажралмаган холда, оловни билмай термачилик ва овчилик билан шуғулланишган. Улар жамоа кўринишида яшаб, овни ҳам жамоа бўлиб уюштиришган.

Ашел даври (бундан 700-150-120 минг йил мукаддам). Ашел даврида янги тош куроли - кўл чопкилари (ручные рубила) ва тешгичлар (кливера) пайдо бўлган. Бу давр куроллари олдувай куролларига нисбатан катта бўлиб, 35 см гача бўлган.

Ашел даврида одамлар овчиликка кулай муқим жойга ўрнашиб, тош куроллар ясаладиган махсус “устахоналар” ташкил этишган. Бу даврда олов кашф этилиб, одамлар горларда яшаб, ўзларини ёввойи хайвонлардан химоя килишга шароит ярата бошлаганлар. Жинслар ўрасида таксимот вужудга кела бошлаган: эркаклар овчилик билан, аёллар эса “уйда” оловни саклаш, болаларга ва қарияларга ғамхўрлик кўрсатишган.

Мусте даври - ашелдан кейинги, хронологик жихатдан музликнинг рисс боскичига мувофиқ келадиган даврдир. Бу боскич бир неча 10 минг

йиллар давом этган бўлиб, тахминан 40 минг йиллар бурун тугаган ва у Франтсиядаги Мустье ғор-макони номи билан аталган.

Мусте маданияти - неандертал одамлар ҳаёти, фаолияти, маиший муносабатларининг акс этишидир. Бу даврда неандерталлар кенг территорияга ёйилган, табиат билан илк палеолит одамларига нисбатан фаолроқ муносабатга киришган. Табиий шароит совуб, Европа, Осиё, Америка шимолий вилоятларининг катта қисмини улкан музликлар қоплаган. Шарқий Европа ҳудудларига ҳам муз қатламлари силжиган (унинг марказий Скандинавия бўлган) ва қалинлиги 2 км.ни ташкил этган. Ҳатто мустье босқичида Ўрта ва Ғарбий Сибирни улкан музлик қатлами қоплаган. Шимоли-шарқда эса маркази Чукотка бўлган музлик қоплаган. Умуман, миллион км.кв.ни муз қоплаб, бу жой инсон фаолият кўрсата олмайдиган ҳудудга айланган.

Мусте даврида - мамонтлар, шимол буғилари ва бошқа ҳайвонлар кенг тарқалган. Музликнинг силжиши натижасида об-ҳавонинг совуши қадимги одамларни табиий шароитга мослашишига туртки бўлади. Қадимги одамлар табиатнинг дахшатли синови (совуғи) га чидаш учун яшаш заруриятининг турли формаларини топишга ҳаракат қилади. Бу ҳаракат (совукдан сақланиш, қийим қийиш, эҳтиёжни қондириш) натижасида инсоният ўз таракқиётида ҳал қилувчи асосий қадамлардан бирини ташлади.

Инсоннинг ривожланиш жараёнида онгнинг таракқий этиши асосий ҳал қилувчи омиллардан биридир. Мусте даврида яшаган ва антропогенез жараёнида 2-чи асосий ҳал қилувчи босқич ҳисобланган - неандерталлар дунёни билиш, табиат тўғрисида, ундаги ўзгаришлар ва реал воқеаларча муносабат борасида маълум фикрга кела бошлади. Ўз фаолияти давомида билимга эга бўлиш ва фикрлаш қўникмаларини секин-аста эгалланиши одамни (инсонни) ривожлантиради. Натижада табиатдаги воқеаларнинг сеҳрли туюлиши таъсирида дастлабки диний тасаввурлар пайдо бўлади. Яъни ҳайратланиш, ўзгаришларни сеҳр сифатида идрок этилиши мурдаларни

кўмиш - чукур ковлаш, мурда ёнига унинг куролларини куйилиши ва хакозолар «нариги дунё» ёки рух хакидаги тушунчаларни пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Мусте даврида табиатнинг кескин ўзгариши одамлар фаолиятида, хаётида катта муаммоларни келтириб чикарди. Аввалги иссиқ иқлим ўрнига муз совуғи - хавонинг кескин ўзгариши яшаш заруратини кийинлаштирди. Кўплаб одамлар совукдан кирилиб кетади. Табиат билан курашиб, мол териларидан кийимлар тикиб, очик манзилгохлардан баланд ғорларга жойлашган одамлар жон саклаб янги шароитга кўника бошлаган. Ғорларга жойлашган одамларни узок вақт коллектив меҳнат фаолияти боғлаб келган. Уларнинг асосий хўжалик машғулоти - овчилик бўлиб, у эҳтиёжни кондиритдаги асосига айланди. Одамларнинг биргаликда яшаши ва унинг заруриятга айланиши («коллективда» ёки ғор ичида) ички маиший муносабатларни шаклланишига олиб келади.

Одамларнинг меҳнат фаолияти ва унинг кенгая бориши, атроф-муҳит хакидаги тушунчаларга эга бўлиши уларнинг фикрини ўзгартиради. Мусте даври одамлари табиат ходисалари бўлган кун билан тун алмашиши, момакалдирок, вулкон отилиши, zilзила ва бошқалар хакида бош котирган ва уларга сиғинганлар. Хатто улар туғилиш, ўлим ва нариги дунё каби тушунчаларга ўзларини муносабатини билдирган. Масалан, Тешиктош ғоридан топилган кабрда дафн этилган бола қандай фалокатга учраганини кўриш мумкин: 9-10 ёшли бола йирткич хайвон ови пайтида қоятошдан ёки бошқа шароитда йиқилган ва оғир жароҳат олиб ҳалок бўлган. Бола жасади кабрга кўйилиб, атрофига архар шохларини қадаб кўйилган. Архар шохлари уларнинг эътиқодича ўлган одамни нариги дунёда муҳофаза қилади. Мусте одамлари бу даврда табиатдан ташқари кучларга ишонган. Инсонни ўраб турган муҳитда рухларнинг мавжудлигига ишониш фанда анимизм деб аталади. У диний тасаввурларнинг дастлабки қуртаги ҳисобланади.

Бундан 40 минг йиллар илгари кишилик жамияти тарихида юкори палеолит деб аталувчи давр бошланади. У хронологик жихатдан археологик даврлаштиришда милоддан аввалги 40-12 минг йилликлар билан белгиланади. Юкори палеолит одамнинг замонавий жисмоний типини шакллантирган, ибтидоий тўда даври вайроналарида кишилик жамиятининг дастлабки бўғини ибтидоий жамоани таркиб топтирган, тош куроллар ишлашда янги ютуқларни вужудга келтирган даврдир. Ибтидоий тўдадан ибтидоий жамоага ўтишда тошдан меҳнат куроллари яшаш техникасида, ибтидоий хўжалик шаклларида, ибтидоий одамнинг турмуш тарзида, уларнинг ижтимоий муносабатларида, дунёкарашида, хатто одамнинг жисмоний тузилишида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди.

Юкори палеолит даврида одамлар муз даврининг совуқ иклимида яшаган. Мусте даври охирларида музликнинг чекиниши, катта худудларда тундра табиати шароитидаги ўсимликлар ўса бошлашига имкон берган. Шунингдек жанубий, музлик этиб бормаган ўлкаларда хавонинг исиши натижасида ўрмонлар кўпайиб, турли дарахтлар кенг тарқалган. Юкори палеолитда йирик хайвонлар - мамонтлар, буғулар, жунли каркидонлар, ёввойи отлар мавжуд бўлиб, улар палеолит даври одамларининг эҳтиёжини кондиритиш манбалари ҳисобланган. Аммо об-хавонинг кескин ўзгариши табиатда йирик хайвонларнинг камайишига олиб келган. Юкори палеолит даври охирларида мамонт каби йирик хайвонлар йўқ бўлиб кетади. Бу ходиса одамларнинг яшаш шароитида маълум ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади.

Табиат билан узок вақт яшаш зарурати учун курашган инсон катта ҳаёт тажрибасига эга бўла бошлади. Чунки, илк палеолит мўътадил хавоси, ўрта палеолит музлиги ва сўнгги палеолит совуғи одамни яшаш учун курашга ўргатди. Натижада одамлар эҳтиёж туфайли ўзларига қулай бўлган худудларга ўрнаша бошлади. Маълумки, муз қоплаган даврда (гинтс, вюрм, рис ва мендел боскичларида) одамлар совуқдан сакланиш учун тоғ ён бағирларида ёки баланд тоғларда мавжуд бўлган ғорларда яшаган.

Музликнинг ортга силжиши натижасида улар водийлар, дарё бўйлари паст текисликларга силжиб, ўз маконларини курган.

Юкори палеолит даврининг энг мухим сифат ўзгариши - бу ибтидоий жамоанинг шаклланиши эди. Дастлаб жамоа оналар атрофида пайдо бўлади. Кон-кардошлик хисларини англаган кишилар гуруҳи уруғларни ташкил этади. Бу давр кишилари уруғ-уруғ бўлиб, ягона бошпана остида эмас, балки алоҳида ўзларига тегишли куроллар ва ўчоқлари бўлган манзилларда яшаган.

Юкори палеолитнинг энг катта ютуғи - антропогенез жараёнининг тугалланиши ва hozirги кийёфадаги одамларнинг шаклланиши эди. Одам ўзининг ривожланиш жараёнида «маймун одам» (питекантроп) дан «ишбилармон одам» (хомо хабилис) га сўнгра «онгли одам» (Хомо Сапиенс) даражасига етди. Хозирги кийёфадаги одам фанда «крамонон одами» деб аталади. Улар юкори палеолит даврида Осиё худудларини, Европанинг юкори худудларини эгаллаган, Беринг бўғози оркали Америка китъасига, Жанубий-шаркда Хиндихитой, Индонезиядан Австралияга, Тасманияга ва Тинч океани оролларига силжиган ва ўрнашган.

Юкори палеолитнинг сўнгги боскичи мадлен даври хисобланади. Мадлен даврига келиб тош курол билан бирга суякдан ясалган куроллар ҳам ишлатилади. Дастлаб, суякдан ясалган кўп тишли кармок (гарпун) лар пайдо бўлади. Тош куроллар орасида чакмоктошдан ясалган найза учлари кенг таркалган.

Хулоса сифатида шуни эътироф этиш керакки, юкори тош асри ёдгорликларининг ўрганилиши бу даврнинг энг катта ютуқлари тўғрисида маълумотлар беради:

- одамзод наслининг шаклланиб бўлганлиги, яъни антропогенез жараёнининг тугалланиши ва hozirги кийёфадаги одамларнинг вужудга келиши, шунингдек, мазкур даврда европоид, монголоид ва негроид каби йирик иркларнинг шаклланиш жараёни содир бўлиб, одамлар эндиликда ер юзининг анча кенг территориясига таркала бошлаган;

- Европа иркига мансуб одамлар: Европада ва унинг жанубида ғарбида, Болтик денгизи бўйларида жойлашган. Олд Осиёда, Якин Шарқда, Арабистон, Хиндистон, Месопатамия ва бошқа ҳудудларга ўрнашган;
- Мўғул иркига мансуб одамлар - Жануби-шарқий Осиёда яшаган. (Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистонда яшаган одамлар қисман шу ирққа мансуб бўл-ган). Улар Мўғулистон, шу билан бирга Шимолий муз океани билан туташ ҳудудларда яшаган;
- Негр иркига мансуб одамлар: Африка ва Хиндистонда яшаган. Улар Беринг бўғози орқали Америка қитъасига ўтган. Жанубда эса Хиндихитой ва Индонезиядан Австралия, Тасмания ва ундан Тинч океани оролларига ўтиб яшаган.
- Милoddан аввалги 50-12 минг йилликда одамлар янада мукаммал қуроолларни яратиб, ўз бунёдкорлик фаолиятида бир неча қўғона юқорига қўтарилди. Яъни ке-сувчи, арраловчи қуроолларни, мунчок, тумор, билақузук сингари тақинчокларни ясай оладиган бўлди.
- Юқори палеолитда моддий маданият, шунингдек, ижтимоий тузум соҳасида кескин ўзгаришлар бўлди. Уруғлар эса уруғ жамоаларини ташкил этди. Уруғчилик жамоаси энг қадимги одамлар тўдасига нисбатан муштақамрок ва ташқилийрок эди. Уруғ ичида аёлнинг ижтимоий мақеи юқори бўлгани учун уруғ унинг номи билан она уруғи (матриархат) деб аталди.
- Юқори палеолитда одамларнинг муҳим кашфиётларидан бири турар жойлар қуриш бўлди. Бу даврда антропогенез жараёни тугалланди. Ҳозирги қиёфадаги одам «Хомо Сапиенс» - «онгли одам» - қрамонон типии одами шаклланди.

Хулоса

Ҳаётнинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Фридрих Ницше томонидан асос солинган, кейинчалик Коагесс ва Т.Лессинг томонидан ривожлантирилган табиий – биологик талқинда ҳаёт табиийлик билан қиёсланади ва ҳар қандай сунъийликка қарши қўйилади. Ушбу йўналиш тарафдорлари куч қудратни улуғлайдилар, ҳар қандай ғоянинг рўёбга чиқишини кишилар ёки ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғлайдилар.

Дильте, Шпенглер, Зиммель ҳаётнинг моҳиятини ички рухий кечинмалардан излайдилар.

Бергсон фикрига кўра, ҳаётнинг моҳияти ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш ва янги шакллари яратишдан иборат.

Баъзи палеонтолог олимлар ҳаётнинг тараққиётини ўтмиш – геологик босқичлар билан яъни палеонтолог метод билан изоҳлайдилар. Бу билан ҳозирги давр жараёнидан узоқлашадилар. Чиндан ҳам ҳаётда юксак ўзгаришлар – мегоеволюция даври ўн минглаб йилларни қамраб олади. Тан олиш керак, бугун катта таксонлар геологик ўтмишда пайдо бўлди. Бороқ, ҳозирги замонга яқинлашган сари биологик янги ташкил топиш доираси камайиб бормоқда. Шундан хулоса чиқариб, баъзи тадқиқотчилар эволюцияни ниҳоясига етиш концепциясини қўлламоқдалар.

Хулоса қилганда, тириклик соҳаси тараққиётининг маълум бир босқичида дастлабки ибтидоий одамлар 3-5 миллион йил муқаддам бир тур сифатида ўз-ўзидан пайдо бўлган ва ҳозирги физиологик ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган одам зоти – *Homo sapiens* – Ақлли инсон бундан 50-40 минг йиллар олдин вужудга келган. Бу типдаги одам мия ярим шарларида ривожланган нутқ тили марказининг вужудга келиши натижасида унинг хотираси ва тафаккури илгариги одам типларидан сифат жиҳатидан фарқ қиладиган ҳолга келган. Натижада одамлар гала-гала бўлиб яшашдан жамоа-жамоа бўлиб ҳаёт кечиришга ўта бошлашган. Одамзотнинг шу тариқа

жамият бўлиб яшашга ўтиши оқибтида ер юзасида Ақл соҳаси – Ноосфера вужудга келиб, биосферага у фаол таъсир кўрсата бошлади.

Оқибатда, бутун тарихий тараққиёт давомида инсон билан табиат ўртасидаги муносабат такомиллашиб борган. Инсон табиий муҳитсиз, сув, ҳаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай қулай шароит инсон учун фақат Ер шарида мавжуддир.

Ердаги барча тирик мавжудодлар ичида фақат одам биоижтимоий мавжудоддир. Одамда биологик эҳтиёжлар (овқатланиш, мода алмашинуви, зуриёт қолдириш ва бошқалар) дан ташқари, анча юксак эҳтиёжлар, билиш эҳтиёжлари, маънавий, эстетик ва бошқа шу каби эҳтиёжлар ҳам бор. Бу эҳтиёжлар туғма, наслий эҳтиёжлар эмас, балки тарихий тараққиётининг, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг маҳсулидир. Одамнинг биологик мавжудод сифатида такомиллашуви тарихий тараққиёт жараёнида, ижтимоий омиллар таъсири остида сифат жиҳатидан ўзгара борган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авенариус И.Г., Муратова М.В. Климатические условия и некоторые черты ландшафтов Северной Евразии в эпоху голоценого климатического оптимума. // Палеогеография Северной Евразии в позднем плейстоцене - голоцене и географический прогноз. - М.: Наука, 1976.
2. Агаджанян Н.А. Зерно жизни (Ритмы жизни). М. 1977.
3. Агаханянц О.Е. Смена атмосферной циркуляции и деградация древесных серег в горах Средней Азии на рубеже плейстоцена и раннего голоцена // развитие природы территории СССР в позднем плейстоцене и голоцене. М.: Наука 1982.
4. Борисенков Е.П. Климат и деятельность человека. М.: Наука. 1982.
5. Будыко М.И. О причинах развития плейстоценовых оледенений // Палеогеография Европы за последние 100 тыс. лет. М.: Наука, 1982.
6. Будыко М.И., Голицин Г.С., Израэль Ю.А. Глобальные климатические катастрофы. М. : Гидрометиздат. 1986.
7. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д., Итина М.А., Кесь А.С., Палеографическая обусловленность расселения древнего человека в пустынях Средней Азии. // Первобытный человек, его материальная культура и природная среда в плейстоцене. М.: "Наука". 1974.
8. Гарибянц А.А. О роли вулканизма в процессе превращения обезьяны в человека. // Первобытный человек, его материальная культура и природная среда в плейстоцене и голоцене. М.: Наука. 1974.
9. Герасимов И.П., Величко А. А. Проблема роли природного фактора в развитии первобытного общества // Первобытный человек, его материальная культура и природная среда в плейстоцене и голоцене. М.: Наука. 1974.
10. Грин А.М. Ретроспективно-синхронный анализ изменений во времени природной и антропогенно-составляющей геосистемы. // Человек и окружающая среда в древности и средневековье. М.: Наука. 1984.

- 11.Лазаренко А.А. Палеоклиматическая характеристика лёссовой формации Средней Азии и проблема корреляций оледенений и межледниковий с аридами и плювиалами // Развитие природы территории СССР в позднем плейстоцене и голоцене. М.: Наука, 1982.
- 12.Свиточ А.А. Актуальные вопросы плейстоценовой истории Каспия. // Палеогеография Аральского и Каспийского морей в кайнозое. Ч.І. М.: Изд. МГУ. 1983.